

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан мулоқотида тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Маълумки, 2021 йил 20 август куни давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан илк бор очик мулоқот ўтказган эди. Бу сана мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” сифатида белгиланиб, бундай учрашувлар анъанавий тарзда, ҳар йили ташкил этиладиган бўлди.

Бу йил ҳам мазкур мулоқотга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Тадбиркорлардан савол ва тақлифларни йиғиш бўйича республика штаби ҳамда “Call-марказ” ташкил этилган. Унга бугунги кунгача 7 минг 200 дан ортиқ тақлиф ва мурожаатлар келиб тушган. Республика штаби аъзолари уларда кўтарилган тизимли ва хусусий масалаларни ҳар куни муҳокама қилиб бормоқда. Уларнинг аксарияти жойида ҳал этилмоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги тизимли муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Таҳлилларга кўра, хусусий мулк ҳимояси, лицензия ва рухсатномалар олишдаги бюрократия, тадбиркорлар учун кредит, ер ва бино ажратиш, солиқ маъмурчилиги ҳамда инфратузилма масалалари долзарб бўлиб турибди. Йиғилишда бу муаммоларнинг сабаблари ва уларни ҳал этиш чоралари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қўйнаётган масалаларни алоҳида назоратга олиб, қонуний ва ижобий ечим топиш зарурлигини таъкидлади. Худудларга чиқиб, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш асосида бизнес учун шароитларни яхшилаш, тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Август ойи ўртасидан бошлаб жойларда вазирлар ва ҳокимлар иштирокида тадбиркорлар билан мулоқот ҳафталиги ўтказилиши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги учрашув бу ҳафталикнинг якуний ва асосий воқеаси бўлади.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим ҳужжат — “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Айтиш жоизки, халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир.

Миллий мустақиллик эл-юртимиз учун ҳақон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шунингдек, ҳаётнинг турли

соҳа ҳамда тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақкам замин яратиб берди.

Бугунги кунда эришяётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи ҳам айнан миллий истиқлолимиз бўлиб келаётир.

Президент қарори ўшбу қўтлуғ айёмни жонажон Ўзбекистонимизда янада кўтаринки руҳ ҳамда юқори савияда ўтказишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти, қолаверса, буюк истиқлолимиз берган улкан имкониятлар хусусида кенг жамоатчилик вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

4-саҳифага қаранг. ➡

СУРИШТИРУВ ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 3 август куни суриштирув ва тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режалар тақдироти билан танишди.

Тегишли идоралар мутасаддилари тергов ва дастлабки суриштирувларни олиб боришдаги муаммоларни омилилар, янги пайдо бўлаётган таҳдид ва жиноят турларини ҳисобга олган ҳолда терговчи кадрларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Хусусан, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, иқтисодий жиноятчилик ҳамда кибермақонда ёки ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда со-

дир этилаётган жиноятларни тергов қилиш бўйича фаолиятнинг методик таъминотини такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари замон талаблари ва халқаро стандартлар асосида суриштирув ҳамда тергов идоралари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз ошириб боришининг янги самарали тизимини яратиш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

Мулоқот

Ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга ташриф буюрган “Корея — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик ассоциацияси раиси Пак Кванг Он бошчилигидаги Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси делегацияси билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, хусусан, парламентлараро алоқаларни мустақкам-

лаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича ко-

миссияси фаолиятини ривожлантиришга, шу жумладан, қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти соҳасида тажриба алмашишга, олий даражада эришилган келишувларнинг ижроси устидан парламент назоратини қучайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҚКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси “Корея — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик ассоциацияси раиси Пак Кванг Он бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда меҳмонларга мамлакатимиз ҳаётида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ундаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар фаолияти ҳақида сўзлаб берилди. Шунингдек, делегация аъзоларига мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён — конституциявий ислохотлар

юзасидан ҳам батафсил маълумот тақдим этилди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқалар изчиллик қасб этиб бораётгани таъкидланиб, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил декабрь ойида Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ва музокаралар давомида

➡ 2

Олий Мажлис Сенати Кенгашида

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЎТҚАЗИЛИШИ АНИҚ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлисини 2022 йил 4 август куни чақирishi тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлис икки кун давомида видео-конференцалоқа шаклида ўтказилди.

Қайд этилганидек, ялпи мажлисда қатор масалалар кўриб чиқилди. “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда “Судларнинг фаолияти рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-

сида”ги қонунларни муҳокама этиш ҳам назарда тутилган.

Қолаверса, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи яримидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини эшитиш режалаштирилган.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза ҳақидаги ахбороти муҳокама этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилади.

Ялпи мажлисда қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқчи қўллаш амалиётини ўрганиш ва

қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижаларини муҳокама этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, Бухоро вилояти ҳокимининг туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишини ривожлантириш юзасидан ҳудудда олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисоботи муҳокама марказида бўлди.

Ялпи мажлисда Оролбўйи минтақасида экологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, енгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси ҳолати юзасидан Ҳукуматга юборилган парламент сўрови натижалари таҳлил қилинади.

Ялпи мажлис давомида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш ҳам режалаштирилган.

«Халқ сўзи».



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўққизинчи ялпи мажлиси 2022 йил 4 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис 4-5 август кунлари видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 13 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 124-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 102-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 162-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 12, 383, 385-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 10, 593, 596-моддалар, № 9, 259, 261, 267, 268-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

(Давоми 2-бетда). ➡➡

Сенат қўмиталарида

МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА ТЕРАН МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ

Кейинги бир неча кун давомида Олий Мажлис Сенатининг қўмиталари ййғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялли мажлисида кўрилиши кутилаётган масалалар дастлабки тарзда теран муҳокама қилинди.

Хукуматнинг ҳисоботи эшитилди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб Тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, экспорт ва туризм салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қатор бандлар ижроси бўйича кўламли ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, дастурда белгиланган кўрсаткичларга эришилмоқда. Айни чоғда сенаторлар Давлат дастурининг амалга ошириш мuddатлари узайтирилган бандларини яқунига етказиш ва тез фурсатда бажариш муҳумлигини айтиб ўттиди.

Сўнгра Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди.

Парламент сўрови юбориладиган бўлди

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг мажлисида дастлаб экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама этилди.

Айтилганидек, Президентимиз тaқлифи асосида 2021 йил 18 майда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида қабул қилинган “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюция доирасида ҳудудда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, юзага келган муаммоларни бартараф этиш, сустрaқлашкa йўл қўйганларга сенатор ва депутатлик сўровлари юбориш амалиёти йўлга қўйилмиши натижаcида “Йўл харитаси”нинг 1-иловасида белгиланган 71 та тадбирдан 20 тасининг бажарилиши таъминланган.

Ўз навбатида, “Йўл харитаси”да белгиланган 9 та тадбир ўз вақтида бажарилмагани, 5 тасининг ижро мuddати кечиктирилгани тaнқид қилинди. Қолаверса, 10 та тадбир ва лойиҳанинг амалга оширилмагани, 7 та лойиҳанинг мuddати узайтирилган. Бу эса замонавий инновацион технологияларнинг ўз вақтида жорий этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан Хукуматга парламент сўрови юбориладиган бўлди.

Ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун белгиланган жазо кучайтирилмоқда

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Бу қонунга кўра, никоҳни қайд этишининг бир ойлик мuddати ва уни қисқартириш учун асос бўлувчи ҳолатлар бекор қилинмоқда. Никоҳланувчи шахслар мажбурий тиббий кўрикдан ўтганидан сўнг никоҳни расмийлаштириш тартибини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Сенаторлар томонидан айтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда таъйиқ ва эъравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи, уларга таъйиқ ўтказаетган ёки эъравонлик содир қилаётган шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳимоя ордери берилишига қарамасдан, таъйиқ ва эъравонликка учраётган аёллар сони камаймаяпти.

Тадбир давомида кенг муҳокамадан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун шу сингари салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра таъйиқ ўтказган ва (ёки) эъравонлик содир этган ёҳуд уларни содир қилишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун белгиланган жазо кучайтирилмоқда.

Қўмита мажлисида яна қатор масалалар кўрилды.

Жиноятчиликни жилавлaш борасида муайян камчиликлар мавжуд

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида қатор масалалар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги масала ҳам кўрилды.

Муҳокама жараёнида Сенатнинг 2022 йил 19 мартдаги қарорига асосан кўрилган чоралар натижаcида ўз фаолияти давомида жиноятларни жилавлaш борасида ишларни тўғри тaшкил этмаган 1 минг 559 нафар раҳбар ва ходимга интeзиомий таъсир чоралари қўлланилгани айтиб ўтилди. Айни чоғда ўтган йил давомида очилмасдан қолган жиноятлардан 1 минг 79 таси, аввалги йилларда очилмаган жиноятларнинг 151 таси фoш этилган.

Бевосита маҳаллаларда жиноятчиликни жилавлaш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилган.

Ййғилишда бу борада муайян камчиликлар мавжудлиги ҳам айтилди. Масалан, 2022 йилининг 6 ойида рўйхатга олинган жами жиноятлар сони ҳар 100 минг кишига 132 тадан тўғри келган. Шунингдек, яна бир қатор камчиликлар мавжудлиги сенаторлар эътиборидан четда қолмади.

Давлат дастурининг қишлоқ ҳўжалигига доир қисми ижроси — эътибор марказида

Агар ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида Тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил 1-йили ййғилидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи дастлабки тарзда эшитилди.

Унда Давлат дастурининг қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермер-

лар даромадини, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги йиллик ўсишини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ этиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш, чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш масалалари таҳлил этилди.

Бундан ташқари, тадбирда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза муҳокамадан ўтказилди.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида Тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Унда Давлат дастурининг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида 100 минг, махсус платформа орқали 44 минг 979 минг нафар ўқитувчининг малакаси оширилганлиги, 246 нафар маҳаллий ва халқаро эксперт иштирокида мактаблар учун Миллий ўқув дастури ишлаб чиқилгани, 296 номдаги янги автод дарсликлари, машқ дастурлари, методика китоблари яратилганлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида 76 та оилавий шифкозор пункти, 20 та оилавий поликлиника ҳамда 505 та маҳалла тиббиёт пункти тaшкил қилиниб, 1,8 млн. аҳолига ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизмати йўлга қўйилган.

Ижроси талаб даражасида эмаслиги айтилди

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Хусусан, муҳокама жараёнида Давлат дастуридаги жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқаролар, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини кўпайтириш, ёшлар ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш, спорт-таълим муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини ошириш ҳамда олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2022 йил 6 ой якуни бўйича ахбороти ҳамда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза муҳокама этилди.

Олий Мажлис қолган қўмиталарининг ҳам ялли мажлис олдидан ййғилишлари йўтказилди. Кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталари тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат тaшкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлис

Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси даврида масъул қўмиталар томонидан амалга оширилган ишлар, умумхалқ муҳокамаси якунлари ҳамда режалаштирилаётган масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамаси мамлакатимизнинг барча ҳудудида тaшкил этилди. Хусусан, депутатлар томонидан жойларга чиқилган ҳолда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва тaшкилотларда фуқаролар иштирокида қатор учрашувлар уюштирилиб, конституциявий ислохотларнинг

мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мазкур учрашувларда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани тўғри бўлганлиги фуқаролар томонидан алоҳида эътироф этилди. Айни чоғда аҳоли томонидан кўлаб тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Буни қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умумхалқ муҳокамаси даврида масъул қўмиталарининг қарийб 40 мартаба мажлислари ўтказилди. Қўмита мажлисларида мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари қатнашди. Қолаверса, тақлифлари долзарб аҳамият касб этган му-

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Кеча Тошкентда Ўзбекистон томони раислигида Шанхай ҳамкорлик тaшкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар ҳудудлари раҳбарларининг гибрид форматдаги форумининг биринчи иш куни якунланди. Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва тaшқи савдо вазири Жамшид Ҳўжаев ҳамда ШҲТ Бош котиби Чжан Мин сўзга чиқди.

Халқаро анжуман

Бош котибининг таъкидлашича, ўтган даврда ШҲТ халқаро сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади ҳамда “Шанхай руҳи” таъойиллари асосида минтақавий шериклик мустаҳкамлаб бормоқда. Савдо, иқтисодий ва минтақаларо ҳамкорлик кенгаймоқда.

Тадбир Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлатларнинг 2020 йилда Москва ва 2021 йилда Душанбеда бўлиб ўтган саммитларида илгари сурилган ташаббусларини ҳаётга тaтбиқ қилиш доирасида ўтказилаётгани қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва тaшқи савдо вазири пандемия давом этаётганига қарамай, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётганини таъкидлади.

— 2021 йили товар айланмаси ҳажми 24 фоиз кўпайгани ҳолда 20 миллиард доллардан ошиб кетди, — деди у. — Жорий йилнинг биринчи ярмида бу яна қарийб 30 фоизга ўсди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йилда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитида 2023 — 2025 йилларда тaшкилот доирасида Ички минтақавий савдонинг ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлаш юзасидан илгари сурилган ташаббус қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдираман. Бу режа Самарқандда ўтказиладиган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашида қабул қилинишига умид билдираман.

Форумнинг асосий мақсади савдо-

аллифлар билан учрашувлар тaшкил қилиниб, уларнинг тақлифи бевосита ўзининг иштирокида масъул қўмиталарда муҳокама этилди.

Хусусан, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида яшовчи фуқаролардан келиб тушган “оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ёки тўсқинлик қилиш ман этилиши ҳамда қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши”ни Конституцияда акс эттириш ҳақидаги тақлифлар масъул қўмиталарнинг шу йил 29 июлдаги қўшма ййғилишида муаллифлар иштирокида муҳокама қилинди ва бу тақлиф долзарб деб топилди.

Шунингдек, айрим фуқаролар ўз тақлифларини айнан юридик жиҳатдан таҳрир қилиб бериш масада-да, лекин уларнинг госяи долзарблигидан келиб чиқиб, масъул қўмиталарнинг ўзи томонидан тегишли тақлиф матнлари тайёрланди. Масалан, “Инсоннинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши” борасида берилган тақлифга асосан: “Меҳнатга оид ҳуқуқлар давлат ҳимоясидадир.

Давлат органлари меҳнатга оид ҳуқуқлар бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўради” деган тақлиф матни ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, “Давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ҳақида берилган тақлифдан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматида қаришда тенг ҳуқуқларга эга” деган тақлиф матни тайёрланди.

Қизгин савол-жавоб руҳида ўтган мажлисда фуқароларимиз томонидан давлат органлари фаолиятининг очик бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш, аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳаллий Кенгашларга ҳам ҳокимларга ишонсизлик вотумини билдириш ваколатини бериш каби билдирилган тақлифлар атрофича муҳокама қилинди.

Тадбир якунида қўмиталар томонидан Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ишчи гуруҳ ййғилиши

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ййғилиш ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, эксперт ва олимлар иштирок этган ййғилишда қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича асосли тақлифлар берилди.

Таъкидланганидек, бугун ушбу соҳада айрим тизимли муаммо ва камчиликлар бор. Жумладан, қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунтириш берилган бўлса-да, давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари йўқ.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган ҳамда давлат тaшкилоти ходимларининг манфаатларига зид келади-ган ёки зид келиши мумкин бўлган манфаатлар тўғрисида хабар бериш амалиёти мавжуд эмас.

5 та бoб ва 32 та моддадан иборат мазкур қонун лойиҳасида манфаатлар тўқнашувининг тушунақ, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилган.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш билан боғлиқ асосий принциплар, давлат тaшкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида ишчи гуруҳ аъзолари бир қатор асослантирувчи саволлар берилди ва уларга муассаддилардан атрофича жавоблар олинди.

Айни дамда қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Парламент комиссиясининг 2022 йил 27 июлдаги 21-сонли қарорига 1-илова

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди

«Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш» мавзуида учинчи давлат грантларини ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга нодавлат нотижорат тaшкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ногиронлиги бўлган шахслар оилаларига турли ижтимоий хизматлар кўрсатишни тaшкил этиш;
2. Ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳўжалигини ривожлантириш орқали уларнинг ўзини ўзи банд қилишига қўмаклашиш;
3. Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хўнарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш;
4. Ногиронлиги бўлган шахсларга, яққа-ёлғиз қарияларга, ўзгалар парваришига муҳтож бошқа шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш;
5. Кўзи оқизлар, кар-соқовлар ва бошқа турдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва маънавий-маърифий эътиёжларини таъминлашга қўмаклашиш;
6. Кўзи оқиз, кар-соков ва бошқа турдаги эътиёжманд ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш сифати даражасини юксалтиришда ижтимоий шериклиكنи кўпайтириш;
7. Ногиронлиги бўлган шахсларни зарур дори-дармонлар, тиббий анонжлар ва бошқа реабилитация воситалари билан таъминлашга қўмаклашиш;
8. Ногиронлиги бўлган ёшлар орасида “Беш ташаббус” таъмойлини кенг жорий этиш, уларни ижтимоий-маънавий юксалтириш;
9. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат органлари, давлат

Хўжжатлар 2022 йил 31 августгача қабул қилинади. Хўжжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат тaшкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳўчаси, 1-ўй. Хўжжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.

Ижтимоий реклама

Парламент комиссиясининг 2022 йил 27 июлдаги 21-сонли қарорига 2-илова

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди

«Маҳаллаларда ободлиكنи таъминлаш, соғлом турмуш тарзини, тиббий ва экологик маданиятини юксалтириш» мавзуида тўртинчи давлат грантларини ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга нодавлат нотижорат тaшкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни тиклашга қўмаклашишда ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ижтимоий шериклиكنи кўпайтириш;
2. “Яшил макон” умумийликий лойиҳасини амалга оширишда ННТларнинг фаол иштирокчи қўллаб-қувватлаш;
3. “Менинг маҳаллам — обод ва яшил макон” шiori остида маҳаллалар ободлигини таъминлашга қаратилган дастурларни амалга ошириш;
4. Маҳаллаларда майиш чикиндиларни ййғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлашда ижтимоий шериклиكنи кўпайтириш;
5. Маҳаллаларда очик спорт майдончалари яратиш, соғлом турмуш тарзи, экологик ва тиббий маданиятни юксалтиришга қўмаклашиш;
6. Маҳалла аҳолисининг маънавий дунёқарашини бирдамлигини таъминлашда ижтимоий шериклик аҳамиятини юксалтириш;
7. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;
8. Ижтимоий шериклик асосида ижтимоий-иқтисодий

Хўжжатлар 2022 йил 31 августгача қабул қилинади. Хўжжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат тaшкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳўчаси, 1-ўй. Хўжжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

Акс садо

Мустақилликни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз



Мустақиллик — улугъ неъмат. Жорий йилда бўлиб ўтадиган истиқлол байрамимиз "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" деган бош гоани ўзида мужассам этиши, ўйлайманки, ҳар бир инсонга ўзгача куч ҳамда гурур, ифтихор бағишлайди.

Президентнинг тегишли қарори билан Республика комиссияси тузилди. Мустақиллик байрами Қорақалпоғистон

Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоят ҳамда туманларида, қишлоқларида, овулларида юқори даражада ўзгача таъминланади ва уларага кенг жамоатчилик жалб этилади.

Таниқли санъаткорлар, зиёлилар иштирокида тарғибот гуруҳлари тузилиб, аниқ режа асосида фаолият олиб борилиши ҳам ушбу кутлуғ шоҳидига ўзгача тараддуддан дарак беради, аҳоли кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, байрам арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, "темир дафтар", "аёллар даф-

тари", "ёшлар дафтари"га қиритилган фуқароларнинг ҳолдан хабар олиш, уларага беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ҳам миллий қадриятларимиздан бири.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар боис инсон қадри янада юксалаётгани ва қадди кўтарилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунга жавобан мустақиллигимизни асраб-авайлаш, шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Маъжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Биз бир тану бир жонмиз



Касбим, қолаверса, қариндошлик алоқалари туфайли Қирғизистонда кўп бўлишга тўғри келади. Қон-қариндошларим билан бир соат, нари борса, икки соат дийдорлашган, кўп ўтмай уйимни соғинаман. Тезроқ ишларимни битказиб олсам, Андижонга қайтсам, дейман. Чунки бу ер менинг она юртим, киндик қоним тўкилган тупроқ!

Баъзан давраларда гурунлашиб туриб, мени танимаган суҳбатдошларим "Ие, ўзбек эмасмисиз?" деб сўраб қолишади. Шунда уларага "Биз ҳамамиз Ўзбекистонликмиз!" дейман. Аслида ҳам бу мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари билан бир тану бир жон бўлиб кетганлигимиз ифодасидир. Зотан, бизнинг уйимиз, орзу-режаларимиз ва мақсадимиз бир!

Ҳозирда Андижон вилоятида 150 мингдан зиёд қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Марҳамат, Жалақудуқ, Булқоқшош, Ҳўжа-обод, Қўрғонтепа туманлари ва Хонобод шаҳридаги Ордай, Абдуллабий, Эшонобод, Зарғалдоқ, Хидирша, Қўшчи каби маҳаллаларда ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб фуқаролар бир оила фарзандларидек ахил-ошқо яшамоқда. Миллий анъаналар, урф-одатлари ёш авлодга жерос қолдириш, халқлар дўстлигини таъминлаш мақсадида Қирғиз миллий маданият маркази фаолияти йўлга қўйилган. 24 та умумтаълим мактабиде қирғиз синфлари ташкил этилган бўлиб, айни пайтда 15 минг нафарга яқин фарзандларимиз қирғиз тилида таълим олмақда.

Андижон давлат университетининг қирғиз тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олган ёшлар нафақат Ўзбекистон

тонда, балки Қирғизистонда ҳам юқори натижаларга эришмоқда. Кутубхоналаримизда қирғиз адабиётидан ташқари ўзбек ёзувчи ва шoirлари асарларининг қирғиз тилидаги таржималарини ҳам ўқиш мумкин. "Жалақудуқ ҳаёти" газетасининг қирғиз тилида чоп этилувчи "Достук" саҳифаси эса вилоятда истиқомат қилаётган миллатдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини мунтазам ёритиб бормоқда. Ватанга, халқимизга бўлган муҳаббатимиз эса "Жаш қыял" ("Ёш нихол") ҳамда "Дўстлик" ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқларда ўз ифодасини топиқмоқда.

Қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз турли соҳаларда фаол меҳнат қилишиб, юртимиз тараққиётига муносиб хисса қўшмоқда. Шу қунгача вилоятимиздан 5 нафар қирғиз миллатига мансуб ҳамюртимиз Президентимиз Фармонига биноан "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. 50 нафардан зиёд ватандошларимиз ҳам турли давлат муқофотлари соҳиби ҳисобланади. Бу мустақил давлатимизда инсон қадр-қиммати миллати, дини, irqи, ижтимоий маъкеидан қатъи назар, тенг ҳамда улугъ эканлигини ифодаси эмасми?

Обиджон НОСИРОВ,
Андижон вилоятидаги Қирғиз миллий маданият маркази раҳбари,
"Дўстлик" ордени соҳиби.

Халқимизни юксак марралар сари руҳлантириш

Президентимиз қарорига биноан энг улугъ байрамимиз "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" бош гоюси асосида нишонланишини инсонпарварлик сиёсатининг мантқий давомидеиш мумкин.

Чунки "Инсон қадрини улугълаш ва фаол маҳалла йили" деб номланган жорий йилда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар янада кенг камров касб этмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда халқ билан бевосита ишлайдиган энг қуйи бошқарув тизими — маҳалла институти тудбан такомиллаштирилди. Вазирлик, ҳудудий олиб бошқариш ва бўлимлар фаолияти янгича асосда йўлга қўйилди. Фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси лавозимлари жорий этилди. Май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари сайлови ўтказилиб, аҳоли томонидан энг муносиб етакчилар оқсоқолликка сайланди.

Ҳар қандай масалада одамларимиз, аввало, маҳаллага боради, қувончу

ташвиши маҳалла билан. Бу ерда ечим топмаган масала, муаммо кейин юқорига чиқади. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳодимлар ва аҳоли учун муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Бунинг самарасини вилоятимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жорий йил январь ойида вилоятдаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базаси таҳлил қилинганида мавжуд 1 миң 126 маҳалладан 86 таси ўз биносига эга эмаслиги, 40 та МФЙ бир хонали, 171 та МФЙ икки хонали бинода фаолият олиб бораётгани маълум бўлди. Шу боис маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлик ёрдамлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида йил давомида вилоят бўйича 194 та МФЙ учун янги бино қуриш режалаштирилди.

Керакли маблаг ажратилди, ҳомийлар топилди, аҳолининг ўзи ташаббус кўрсатди. Вилоятда юздан ортқ маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги биналар қурилиб, моддий-техника базаси мус-



таҳқамланди. Ушбу йўналишдаги ишлар бугун ҳам изчил давом эттириляётир ва август ойида 36 та, сентябр-октябр ойларида эса 70 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги биналар фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамини муносиб нишонлаш мақсадида қабул қилинган қарор ҳам халқимизни янги юксак марралар сари руҳлантириш, энг муҳими, жамиятимизда инсон қадрини улугълашга қаратилганлиги билан ҳар биримиз учун қадридлир.

Исроил ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги.

2017 йил 3 август. Ижодкор зиёлиларимиз учун том маънода тарихий сана. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу қуни атоқли шоир ва адиблар, театр, кино, музика санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари "ўртада бегона йўқ", дея алоҳида таъкидлагани боис учрашувда гоят самимий ва очик руҳ ҳукмрон бўлди. Халқимизнинг дилидаги гаплар айтилди. Маънавият, адабиёт, маданият ва санъат, журналистика соҳалари ривожини холисона,

Мулоҳаза

Янги ижодий парвозларга қанот бўлган учрашув

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:

— Давлатимиз раҳбари билан учрашув композиторлар, бастакорлар ва музикашунослар учун ҳам тарихий воқеалик бўлди. Ўша учрашувга қадар уюшмамиз молиявий қийинчидаги куй ва қўшиқларда ўз ифодасини топиқмоқда. Президентимиз бу ҳолатни чуқур билгани учун учрашувда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бошқа ижодий ташкилотлар қатори Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг ҳам ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳада меҳнат қилаётган ижод аҳлининг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва улари қўллаб-қувватлаш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Шундан сўнг соҳада ўзгаришлар шиддатли тус олди. Уюшмамизни молиялаштириш манбаи этиб "Илҳом" жамоат фонди белгиланди. "Асака" акциядорлик тижорат банки билан "Дўстлик клуби" ташкил этилгани жамоамизнинг узок йиллик орзу-ниятларини рўёбга чиқарди, десак, мулолага эмас. Ушбу банк ҳомийлигида уюшмамиз биноси капитал таъмирланди, моддий-техника базаси янгиланди, овоз ёзиш студияси ташкил этилди. Вилоятларда уюшмамизнинг худудий бўлимлари очилиб, фаолият юритишни бошлади.

Ижодкорлар, жумладан, ёш композиторлар, бастакорлар ва музикашуносларнинг ижод билан самарали шугулланишлар-



ри учун кенг имконият ва шароитлар яратилди. Қўрсатилган гамжўрлик руҳимизни кўтариб, кучимизга куч қўшмоқда. Янги асарлар ижод қилишда қанот бахш этмоқда. Уюшмамиз аъзолари томонидан бир қатор муаллифлик нота тўпламлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар, махсус адабиётлар, монографиялар нашр этилдики, буларнинг барчаси ёш авлоднинг профессионал ва баркамол мутахассислар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Акмал НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми:

— Давлатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашган, соҳада туб ўзгаришлар рўй берди. Ўтган беш йил ичида Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинган сўзимизни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, мамлакатимизда тасвирчи ва амалий санъат, дизайн йўналишларини ривожлантириш, академик бадий таълимнинг изчиллигини таъминлаш, ижодкорлар ва истеъодли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли

чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон Бадий академияси биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ижодий муассасага хос бутунлай янги қиёфага кирди. Бу ерда "Академия" санъат галереяси барпо этилди. Энди галереяда санъат илхосмандларига нафақат миллий тасвирий санъатимизда эришляётган ёрқин ижодий ютуқлар, балки хорижий кўрғазмалар ҳам ташкил этилмоқда.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон Бадий академияси миллий тасвирий санъатимизнинг йирик марказига айланди. Бугунги қунга келиб, ҳар бир вилоят марказида санъат галереялари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда ҳар йили ўнлаб республика, халқаро миқёсда тематик, шахсий ва ижодий кўрғазмалар уюштириб келинмоқда.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Бу мулоқот Президентимизнинг адабиёт ва санъатнинг маъно-моҳиятини нечоғли теран ҳис қилиши, ижод аҳлига эътирими ва ишончи билан бирга, ҳақли равишда олдимизга қўйган талаблари билан ҳам ёдимизда қолган. Ўша қуни режа сифатида тилга олинган маданият ва маърифий бунёдкорлик ишларининг аксарияти амалга ошди. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази қад ростлади. Дунёда муқобили йўқ Адиблар хйёбони бугун пойтахт хуснига ҳусн қўшиб турибди. Ижод борасида тўхталсак, тилга олгулиқ дostonу романлар, шеър қўшиқлар яралди, кино усталари кўрса-қўргудек фильмлар яратишдики, улариинг номини юртдошларимиз яхши билишади. Худудлардаги ижод мактаблари ёш истеъодларни кашф этишга ҳисса қўшмоқда. Ижодий ташкилотлар ўз фаолиятини фаол-



лаштирди, ижодкорлар ҳам, ўз навбатида, баҳоли қудрат гайрат камарини боғладилар. Президент жонқуярилик билан таниқли адиблар номини айтиб, "масалан, Анвар Обиджон Фаргона водийси меҳнатқашлари ҳақида бир асар ёзса..." деганида ёнимда ўтирган устоз қанчалик ҳаяжонга тушгани, ён дафтарига йирик-йирик ҳарфлар билан "бу ишончини оқлаш керак" деб учта ундов қўйгани эсимда. Ўша қуни биз ўринли танқидлар ҳам эшитдик, лекин бу танқид Ватан келажagini, ёшлар маънавиятини ўйлаб айтилгани боис ҳам ҳеч кимни ранжитмади. Ақсинча, рағбат берди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима

Худойбердиеваннинг шукрона тўла шикаста овози ҳамон қўлогимда.

Инсон табияти шундай, янгилликка, яхшиликка тез қўниқади. Биз ижодкорларга бугун яратилган имкон оддий ҳолдек туюлиб қолганига анча бўлди. Ижодкорларга сийхотқолар, ўйлар қурибди, "дарбадар" Ёзувчилар уюшмаси ватани бўлди. Зиёлиларнинг моддий аҳоли ўнланди, шунинг баробарида, ақлга ишораси, масъулиятимиз ҳам ошди. Президентнинг мулоқот якунида айтган ҳулосавий сўзлари ҳамон қун тартибиде турибди. "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улугъ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқисс халқларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади". Бу ишончини оқлаш керак!

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё, Ташкент ва Қораўзак (1-лот) туманларида маийш чикиндиларни тўплаш, ташвиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан икки босқичли тендернинг биринчи босқичи бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ҳамда маийш чикиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер голибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларисиз) **2022 йил 30 август қуни соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича голибини аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлигининг **pprda.uz** расмий веб-сайтиларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишиниз мумкин.

Манзил: Нукус шаҳри, Тонг Нури кўчаси, 181-уй. Телефонлар: 90-727-77-88, 97-505-28-88.

Хўрматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқул ва Эллиқалъа (2-лот) ҳамда Қўнғирот, Мўйноқ ва Шуманай (3-лот) туманларида маийш чикиндиларни тўплаш, ташвиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендернинг бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва молиявий тақлифлари ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва маийш чикиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер голибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларисиз) **2022 йил 30 август қуни соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича голибини аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклики ривожлантириш агентлигининг **pprda.uz** расмий веб-сайтиларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишиниз мумкин.

Манзил: Нукус шаҳри, Тонг Нури кўчаси, 181-уй. Телефонлар: 90-727-77-88, 97-505-28-88.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 012 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.

Мусаҳҳиф — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА қуни — 21.36 Топширилди — 23.00

1 2 3 4 5 6